

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ  
ПЕШКУ ТУМАНИ 2-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ОМИЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция материаллари



**Бухоро-2021**

# **1-ШЎЪБА. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

## **ЎРТА БЎҒИН КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ДАВР ТАЛАБИДИР**

### **В.Ҳ.Қаххоров-Пешкў тумани ҳокими**

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тутган ўрни унинг ижтимоий иқтисодий ривожлантириш маънавий маданий тарақиёти узликсиз таълим тизимининг истиқболи ва аҳамиятга боғлиқ . Таълим жамиятнинг маънавият ҳаёти ва иқтисодиётининг ривожлантирувчи омил сифатида намоён бўлади. Таълим тарақиёти эса узликсиз таълими тизимида таъсил олаётган ўқувчилар таълим мазмунини ўзлаштириш даражасига боғлиқдир.

Таълим тарақиётида таълим мазмуни жамият келажаги учун хизмат қилиши керак-у нафақат бизни ўраб турган ижтимоий иқтисодий соҳаларини ҳолати параметрлари ҳолида балки уларнинг истиқболдаги тарақиётининг ҳам ҳисобга олган ҳолда белгилаб берилиши лозим, бугунги кунда Пешкў туманимизда 2020 йил декабрда 96 та мактабгача таълим ташкилоти бўлиб 1413 та 3-7 ёшгача болаларни қамраб олган яна 10 та ОНМТТ оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти 3 та МТТ мактабгача таълим ташкилоти режалаштирилган ҳозирги кунда 66,9 % қамров бўлса 100% қамровга эришиши бўйича чора-тадбирлар режаси тузилмоқда. Бундан ташқари халқ таълимида 47 та мактаб мавжуд бўлиб, 21521 нафар ўғил қиз таълим олмақда, 2019-2020 ўқув йилида ўқувчилар томонидан 24 та олтин, 14 та кумуш медаллари олган ОТМ ларига кириши туманда 215 тани ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4804-сон қарори , ПФ-58-12 сон фармониға мувофиқ Пешкў туманимизда 2та касб-хунар мактаби ва 1-та Абу Али ибн Сино техникуми ташкил этилди. Бугунги кунда тиббий техникумида 450 нафар ўқувчи 11 синфни битириб ўз хошиш истаглари билан кантрак ва қисман гранд асосида ўқишга қабул қилинди. Касб-хунар мактабларида жами 8 та йўналиш бўйича 9-синф битирувчилари ҳисобидан жами 414 нафар ўқувчилар қабул қилинган ва тахсил олмақда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 29-март 163-сонли қарори айна вақтида чиқорилган деб ўйлайман . Чунки туманда бошланғич профессионал таълимга эҳтиёж жуда катта айниқса қишлоқ хўжалигида кичик аграрном, тракторист , машинист, ошпаз-қандолатчи, қурувчилик, арихтектор, тикувчи, модиллер, Сартарошлик, Сварчик ва сантехник каби касб эгаларига эҳтиёж жуда ҳам катта бўлиб , дуал таълими шундай професионал касб эгаларини тайёрлаб беришда катта рол ўйнайди.

ҳам намоён қилиши мумкин, шу сабабли таълим методларини самарадорлигини ошириш учун ўқитувчининг тайёргарлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Методларни нотўғри танлаш ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини суст эгаллашга сабаб бўлади. Демак таълимда универсал метод йўқ. Шу туфайли ҳам ўқитувчи фақат битта методдан фойдаланиб дарс ўтмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас.

География таълимининг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, ўқитувчи аксарият дарсларни ўтишда оғзаки баён методларини қўллайди ва самарали натижаларга эришади. География таълимида карталарни расмларни танлашда изчилликнинг бўлмаслиги ҳам билимларни сустлаштиради. Масалан VII-синфда “Африка табиат зоналари” мавзусида ўқувчилар экваториал ўрмон, саванна сахро каби тушунчаларни эгаллашлари керак. Бунда дастлаб ўқитувчи ўқувчиларда юқоридаги табиат комплексларининг тасвирини ўқувчилар кўз ўнгида гавдалантириш, сўнгра эса уни картадаги ўрни билан бўлса, худудий комплекслар турли-туманлиги ҳақида ўқувчилар зарур билимга эга бўладилар.[3]

Ўқитиладиган мавзулар дарсдан дарсга ўтган сари мураккаблашиб ва долзарблашиб боради. Ҳозирги замон тараққиёти, фани ривожланиб бораётган бир пайтда мактабларда ўзига хос таълим жараёнини ташкил этиш, ўқувчининг билим олиш учун турли воситалардан фойдаланишга ўргатиш муҳим масаладир. Ўқувчининг эркин фикирловчи шахс сифатида тарбиялаш ва уни маълум бир мутахассисликлар бўйича йўналиштиришда география фанининг ҳиссаси катта. Шу билан бирга бу фанни замонга мос равишда ривожлантириш, фан техника тараққиёти ютуқларидан баҳраманд этиш ҳар бир географнинг вазифасидир. География дарсларининг сифат, мазмунини, самарадорлигини ошириш мақсадида таклиф ва тавсияларимни бермоқчиман:

1. Таълим тўғрисидаги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда ДТС талабаларидан келиб чиқиб дарс жараёнида интерфаол методлар ва тарқатма материаллардан фойдаланишни янада такомиллаштириш бугунги кунда долзарб муаммолардан яна биридир.

2. Ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейларида география дарсида интерфаол методлар ва тарқатма материаллардан фойдаланишни янада яхшилаш замонавий техника воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3. Замонавий техника, технология ривожланаётган бир пайтда компьютер техникасидан фойдаланиб уларни тақдимотлар ҳолатда кўргазмали қилиб тайёрлаш бугунги кунда ўта муҳим.

4. География дарсларини самарали ташкил қилишда турли метод ва мавзуга оид мультимедиалардан кенгроқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдиева З.А. География фанида ноанъанавий дарс усулларида фойдаланиш. -Навоий., 2003.

2. Бабанский. Ҳозирги замон таълими мактабларида ўқитиш методлари. Т. “Ўқитувчи” 1990 йил.

3. Сайидахмедов М.С. Дидактик жараён лойихасининг интерфаол методлари. -Т.: Университет, 2005.

4. Ҳайитов А., Боймуродов Н. Таълимда ноанъанавий дарслар ва интерфаол усулларида фойдаланиш. -Т.: Янги аср авлоди, 2006.

## **РОССИЯ-АФҒОНИСТОН: XX АСР БОШЛАРИДА СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН**

**Орзиев М.З.**-БухДУ, Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Ҳожимуродов Ж.Э.**-Ғиждувон туман ХТБга қарашли 55-сонли мактаб тарих фани ўқитувчиси

Россия давлатининг Ўрта Осиё хонликларини истило этиши, Англиянинг Ҳиндистондаги мустамлакалари учун катта хавф туғдирар эди. Россия билан Ҳиндистон орасида буфер давлатлар ташкил этиш Англия ташқи сиёсатининг асосий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланган. Аммо, XX аср бошларида бу вазият бир қадар ўзгарган.

XX аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудлари икки буюк давлат (Россия ва Англия)нинг ўзаро манфаатлари тўқнаш келган минтақалардан бири эди. Икки ўртадаги 1869-1873 йиллар, 1895 йил давомида олиб борилган музокаралар ўзаро таъсир доираларини белгилаган бўлсада, чегараларда хавфнинг доимий юқори эканлиги сақланиб қолинган. Афғонистон давлати Англияга ярим қарам давлатга айланган ва Россиянинг Ҳиндистонга эҳтимолий тажовузидан буфер давлат вазифасини ўташи лози бўлган бўлса, ўз навбатида Россияга ярим қарам Бухоро амирлиги Англиянинг Туркистон ўлкасига бўлган тажовузига қарши шу вазифани ўташи лозим эди. Ўз навбатида Афғонистон давлати ҳам Туркистон халқлари учун ҳам катта хавф бўлиб, Англиянинг қўллаб-қувватлаши билан XIX асрнинг иккинчи ярмида Жанубий Туркистон (ҳозирда Афғон Туркистони)ни эгаллаб олган ва бу ҳудудларда истиқомат қилувчи ўзбек, тожикларга нисбатан зўравонликлар амалга оширилган эди. Ўша давр тарихий манбаларида ушбу минтақа аҳолиси руслар келишини сабрсизлик билан кутаётгани, Амударёдан ўтиб Жанубий Туркистон ерларини Россия империяси ўз таркибига қўшиб олса уларнинг аҳволи бир қадар яхшиланишиги ишонилари билан боғлиқ маълумотлар сақланиб қолинган[2,24]. Жанубий Туркистон аҳолисининг Россияга хайрихоҳ кайфияти ва бир неча бор қўзғолон кўтариши Афғонистон давлат ҳукмдорларига Россия империясини ўзлари учун хавфли рақиб сифатида кўришлари учун етарли асос бўлиб хизмат қилган деб хулоса қилиш мумкин.

Афғонистон амирлари Жанубий туркистонда яшовчи ўзбек, тожик ва туркманларини давлат амаллари ва мансабларига яқин йўлатмасликнинг барча чораларини кўрган. 1906 йилги маълумотларга кўра ўлканинг барча вилоятлари раҳбарлари афғонлардан бўлиб, уларнинг ҳам асосий қисми Афғонистон амирлари яъни ҳукмрон қабила вакиллари баракзойлардан тайинланган. Жумладан, 1906 йилда Жанубий Туркистондаги Афғонистонга тобе бўлган

вилоят бошлиқларининг асосий қисми яъни, 27 таси ёки 70 % зи Баракзой қабиласидан қолганлари эса афғонларнинг бошқа қабилаларидан бўлганлар эди[6]. Бу эса, Афғонистон амирларининг Жанубий туркистон аҳолисига нисбатан ишончсизлигини кўрсатади.

Иккинчи бир томондан Афғонистон амирлари Англия билан XIX асрда икки бора давлат мустақиллигини сақлаб қолиш учун кураш олиб борган бўлсаларда, XX бошларида Англия томонидан хавфни кутмаганлар. Аксинча, Россия империясининг ўзларини асосий рқиблари сифатида кўрганлар. 1904-1905 йилларда бошланиб кетган Рус-Япон уруши даврида Россиянинг Узоқ Шарқ минтақасида боғланиб қолганлиги сабабли, Англия Афғонистон ва Ўрта Осиё минтақасида ўз таъсири оширишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрига Луис Дэн бошчилигида миссия юборилган эди. Ушбу музокаралар вақтида Афғонистон амири Ҳабибуллаҳон Англия билан ҳамкорликда Россияга қарши биргаликда кураш бошлашни таклиф қилади. Чунки, уруш Россияни қийин аҳволга солиб, Ўрта Осиёга етарлича эътибор қарата олмасди. Аммо, Англиянинг ёрдамисиз Афғонистон ҳам Россия билан кураш олиб бора оладиган даражада эмасди[5,22].

XX аср бошларида Дунё сиёсатида қатор ўзгаришлар содир бўлиб, Англиянинг гегемонлигига путур ета бошлаганди. Германия дунёнинг барча минтақаларида Англия билан рақобат қилиши ҳар икки давлатнинг ўзига иттифоқчи излашга мажбур қилади. Натижада, 1907 йили икки рақиб Россия ва Англия давлатлари иттифоқчиларга айланадилар. Ўша давр манбаларида Афғонистон амири Ҳабибуллаҳон рус-инглиз келишувини Афғонистон давлати мустақиллигига тажовуз деб, уни тан олишдан бош тортганлиги қайд этилган[1,52-97]. Тарихий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, аслида Амир Ҳабибуллаҳон Россия ва Англия ўртасидаги келишувни Афғонистон учун тинчлик гарови сифатида қабул қилган. Чунки, Ҳабибуллаҳон Англиядан хавф кутмаган ҳолда Россияни Афғонистоннинг асосий душмани сифатида қабул қилган бўлиб, икки давлат келишуви Россия томонидан бўладиган эҳтимолий хавфнинг бартараф этилиши деб тушунган[3,30].

Тарихий воқеяликлар таҳлили ҳақиқатдан ҳам Россия ва Афғонистон ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар 1907 йилдан кейин ривожланганлигини кўрсатиб беради. Шу пайтгача Афғонистонга Россия савдогарлари киритилмаган бўлиб, Афғонистон ва Россия ўртасидаги савдода Бухоро савдогарлари воситасида олиб борилган. Инглиз-рус келишуви Россияга Афғонистон билан эркин савдо қилиш имконини беради. Бухоро савдогарлари воситасисиз 1911-1913 йилларда йилига Бухородан Афғонистонга 100 минг сўмлик маҳсулот экспорт қилинганлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин[4].

Россия асосий рақибни Англия билан келишувдан сўнг Афғонистон билан савдо алоқаларини ривожлантириш борасида қатор ишларни амалга ошира бошлайди. Бу хусусда ўша давр манба ва адабиётларида кўплаб маълумотлар сақланиб қолинган. Жумладан, Бухоро амирлигида илк даврий матбуот

органларида ҳам бу хусусда маълумотлар берилган бўлиб, “Бухорои шариф” газетасининг 6-сониди (1912 йил 18 март, якшанба) “Тижорат ва саноат хабарлари”да Петербургда (Россия) тижорат намояндаларининг махсус мажлиси бўлиб, унда рус тижоратининг Бухоро ва Афғонистонда ривожланиши масаласи муҳокама қилинганлиги ва бу борада қуйидаги қарорлар қабул қилинганлиги келтирилади: 1. Бухоро мамлакати марказидан (Эски Бухоро-М.О.) Афғонистон сарҳадларигача темир йўл тортиш ва бу йўл орқали тижорат молларини осон ташишни йўлга қўйиш; 2. Бухорода рус тижорат агентлигини ташкил этиш, Афғонистондаги рус тижорати аҳамиятини назарда тутиб қарор қилинсинки, барча тижорат ва саноат идоралари Бухоро ва Афғонистондаги савдо билан боғлиқ деб топилсин”[9]-каби маълумотларни келтириб, Россия империяси ва маҳаллий тижоратчи ва ишбилармонларни ҳам ушбу лойиҳада ўз маблағлари билан иштирок этиш учун даъват этилган.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Афғонистон билан мол айрбошлаш йил сайин ошиб борганлигини кўрсатади. Рус-инглиз келишуви иқтисодий жиҳатдан ҳар иккала давлат учун ҳам фойдали бўлиб, Афғонистон Россияга 1915 йилги статистикасига кўра бир йилда 24 млн рупия (8 млн рубль), Россия эса Афғонистонга 5,5 млн рубль мол киритган[3,67]. Россия ва Афғонистон ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг яхшиланиб бориши натижасида икки давлат ўртасидаги ҳадиксираш сиёсати ҳам барҳам берилди бошланган. Иқтисодий алоқалар эндиликда Англия манфаатларига зид равишда ривожлана бошлаган. Аммо, яқинлашиб келаётган жаҳон уруши арафасида сиёсий тангликни янада кучайтирмаслик мақсадида Англия давлати бу муаммога етарлича эътибор қаратмаган. Бу эса, Россиянинг Афғонистон ташқи савдосидаги улушини ошиб боришига хизмат қилган. Биринчи жаҳон уруши арафасида Афғонистоннинг ташқи савдосидаги Россия империяси улуши ошади ва 40% ни ташкил этади[5,32].

Россия империясидан норозилик сабабли, Афғонистон билан иттифоқ тузиш ва Россияга қарамликдан озод бўлиш тарафдорлари Бухоро амирлигида анчагина бўлганлигини тарихий манба ва адабиётлардаги маълумотлар тасдиқлайди. Жумладан, Ғуздор беклигида 1914 йилда қўзғолон кўтаришга тайёргарлик кўрилганлиги, бек ўз қўшинидан ташқари маҳаллий аҳолини ҳам қуроллантира бошлагани, Бухоро ва Туркистон ўлкасидаги “Панисломчилар” билан бир вақтда қўзғолон кўтариш тўғрисида музокаралар олиб бораётгани, яқин киши ҳисобланган мулло Абдуллони Афғонистонга ўзаро ҳамкорликда курашиш масалаларини келишиб олиш учун юборгани агентура томонидан аниқланган[10]. Шунингдек, ушбу ҳужжатда Тошкент ва бошқа шаҳарларда муллабаччалар, эшон ва мударрислар бошчилигида яширин ташкилотлар тузаётгани, қуроллар тўплаётгани, ҳатто, Чимкент шаҳрида маъмуриятни ўлдириш режаси борлиги ҳақида фикр юритилганлигини кўриш мумкин[11]. Бу сафар ҳам Россия разведкаси шарофати билан мужоҳидлар ташкилоти тор-мор келтирилади. Иккинчи бир томондан Ҳабибуллоҳон жаҳон урушига

қўшилишдан тийилиш орқали Афғонистон яхлитлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Бошланиб кетган биринчи жаҳон уруши даврида гарчи, Афғонистон ўзининг бетараф сиёсатини эълон қилган бўлсада, Афғонистонни урушга тортиш ва Ўрта Осиё ва Жанубий Осиёда янги уруш фронтлар очишга уринишлар содир бўлади. Биринчи жаҳон уруши давом этаётган 1915 йили Германия ва Туркиядан 80 кишидан иборат миссия Афғонистонга юборилади. Немисларнинг икки мутахассиси катта лейтенант Оскар фон Нидермайер ва дипломатик чиновник Отто фон Хентинглар юборилган. Эрон худудида миссия аъзоларини рус казаклар отряди томонидан таъқиб қилинади. Юкларни енгиллаштириш мақсадида Афғонистон амирига совға сифатида олиб келинаётган олтинлар ташлаб қочилади. Машаққатлардан сўнг, рус казакларидан қочишга мувоффақ бўлган миссия вакиллари 24 август куни Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрига, 7 август кунида эса, пойтахт Кобулга етиб келади[5,51]. Ушбу миссиянинг Афғонистон учун хавфли томонларини ҳисобга олган амир Ҳабибуллоҳон Россия ва Англия билан уруш бошлашдан хавфсираб, Герман-Турк миссиясини тез орада қабул қилмайди. 24 августда Кобулга етиб келган Нидермайер миссиясини Афғонистон амири Ҳабибуллоҳон 26 октябрдагина реакцион гуруҳлар талаби билан қабул қилади. Нидермайер томонидан Ҳабибуллоҳонга берилган мактубда Турк султони ва Германия императори томонидан Россияга жиҳод эълон қилиш сўралган[7,353]. Аммо, Ҳабибуллоҳон расман тинчлик тарафдори бўлиб қолаверади.

Жаҳон уруши рақибларидан иқтисодий жихатдар бир қадар ортда қолган Россия империясини тинқасини қуритиб борган сари мамлакат ичкарасида норозилик кайфияти ҳам ўсиб боради. 1916 йилда Туркистон ўлкасида бошланган мардикорликка олиш бутун ўлкада норозилик ва қуролли чиқишларга сабаб бўлади. Бухородаги рус сиёсий айғоқчилиги раҳбари Шульга 1916 йил 318-рақамли телеграмасида мардикорликка олиш Бухоро амирлигида ҳам аҳолининг қаттиқ норозиликка сабаб бўлаётганини маълум қилади[8,]. Айни шу вақтда Тошкентдаги бир гуруҳ қозилар Афғонистон амири (Ҳабибуллоҳон)га мактуб йўллаб, уни Россияга қарши биргаликда курашга чақирганлар. Тошкентнинг тўрт қозиси йўллаган мактубда Афғонистон амири агар чин мусулмон бўлса, Россия билан урушишнинг айни пайти эканлиги, халқнинг бирдамлиги ва кўзғолганидан фойдаланиш зарурлиги, Туркия ва Германияга ёрдам беришнинг айни пайти эканлиги таъкидланган. Мактуб 1916 йил 8 июлда Бухородаги Саид Неъматилла Ҳожиёвнинг дўконини Когондаги сиёсий агентлик талаби билан тафтиш ўтказиш вақтида топилган. Бу сафар ҳам разведка маълумотлари тасдиқланиб, Афғонистон билан тузилиши мўлжалланган иттифоқ барбод бўлади. Бундан кейинги воқеяликлар Россия империясидаги инқилоб даври билан боғлиқ бўлиб, унинг ўзи алоҳида бир мавзу саналади.

Хулоса қилиб айтганда, Россия ва Афғонистон давлатлари ўртасидаги XX аср бошларидаги ўзаро муносабатлар мураккаб ва чигал босқични ўз бошидан

ўтказган бўлиб, ушбу муносабатларни яхлит ва комплекс ҳолатда ўрганиш бугунги кундаги вазифаларимиздан бири бўлиб ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Англо- русское соглашение относительно Тибета, Персии и Афганистана. (за 1907 г.: Голос Москвы, №1; Новое Время, № 11313, 11316, Голос Правды, № 602; Товарищ № 71; Свет, № 242; Слово № 25; Русское ведомости, № 210; Русское знамя, № 201; Слово, № 224; СПб ведомости, № 204; Россия, № 555; Голос Москвы, № 212) Туркестанский Сборник. Том 444, стр. 52- 97.
2. Гродеков Н. Через Афганистан.//Туркестанский сборник. Том 241. – 1-85 с.
3. Губар М.Г. Афганистан на пути истории./ответственные редакторы Ю.В. Ганковский, В.Г. Коргун. Перевод с дари, введенная статья и комментарии Муллошо Давлятова. – М.: Наука, 1987. – 203 с.
4. Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке (вторая половина XIX-начало XX столетия). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Душанбе 2005. <http://Cheloveknauka.com/buharskiy-emirat-na-mirovom-rynke#ixzz5SwkeHHeeM>.
5. Коргун В.Г. История Афганистана. XX век/В.Г. Коргун. – М.: ИВ РАН: Крафт+, Акад. Наук. Ин-т Востоковедения, 2004. – 525 с.
6. Лалетин Ю.П. Межэтническое взаимодействие в Афганистане. [https://mgmo.ru/ploa\\_diblock891891ca817afs196Cc95fada903aa5e910.pdf](https://mgmo.ru/ploa_diblock891891ca817afs196Cc95fada903aa5e910.pdf)
7. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана: Афганистан в новое время/Ответственные редакторы: Р.Т. Ахрамович, О.В. Ганковский, В.А. Лившич. Том II. – М.: Наука, 1965. – 550 с.
8. Пурумшоев Х. Участие трудящихся Бухарского эмирата в восстании 1916 года в Средней Азии и Казахстане.[http://kghistory.akipress.org/unes/un\\_post](http://kghistory.akipress.org/unes/un_post):
9. “Тижорат ва саноат хабарлари” // “Бухорои шариф” № 6. 1912 йил 18-март якшанба
10. ЎзМА И-3-фонд, 2-рўйхат, 166-хужжат, 86-варақ, 87-варақнинг орқа томони.
11. ЎзМА И-126-фонд, 2-рўйхат, 240-хужжат, 17 варақ, 17 варақнинг орқа томони, 18 варақ, 18 варақнинг орқа томони, 23 варақ, 23 варақнинг орқа томони

## **ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ.**

**М.Гофуров - Пешкў туман 2-сон касб-хунар мактаби бўлим бошлиғи**

Ўзбекистон Республикаси мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида технология фанини уқитишни ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш туғрисида”ги ПҚ,-4312-сонли Қарори, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш туғрисида”ги ПФ-5712-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал